# Жасмина жаҳон миқёсида ўтказилган турнирда ғолиб бўлди

Фарғона шаҳар 2-айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган мактабининг 6-синф ўқувчиси Жасмина Файзиева мана 10 йилдирки, спортнинг бадиий гимнастика ёъналиши бўйича шуғулланиб келади.

Ўқувчимиз жорий йилнинг 22-апрел санасида 2009-йилда туғилган ўсмирлар ўртасидаги ўтказилган "Срйстал Суп" бадиий гимнастика очиқ турнирида фахрли 1-ўринни эгаллаган эди.

Ёш спортчи бундан ташқари, жорий йилнинг 27-29-май кунлари "УАЕ Гймнастика Суп" бадиий гимнастика ёъналиши бўйича ўтказилган мусобақада ҳам қатнашиб 1-ўринга сазовор бўлди.

Тиришқоқ қиз Жасмина ўзининг намунали хулқи, барча фанларни пухта эгаллаётганлиги, спортга бўлган кучли иштиёқи билан аллақачон мактаб фахрига айланган. У мактабда ўтказиладиган барча тадбирларда ҳам фаол қатнашиб, тенгдошларига ўрнак бўлмоқда.

Жасминанинг бундан кейинги ўқиш ва ишларига ҳам омад тилаб қоламиз!

2022-06-08 09:07:15